



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-523

« ___ » _____ 20__ г

**Шеробод тумани “Кўхитанг” массивидан
“SHAXZOD SHOXJAXON” хусусий
корхонасига боғзор ташкил этиш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/630-сон йиғилиш баёни ва Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 29 июлдаги 05-01/938-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/630-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани Кўхитанг массивидан “SHAXZOD SHOXJAXON” хусусий корхонасига боғзор ташкил этиш учун туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1125қ-дала контуридаги 2,0 гектар яйлов ер майдони доимий эгаллик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинishi кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов